IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 23. Issue 02. Sentabr, 2026

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ПРЕВЕНТИВ ФАОЛИЯТИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Норова Ойдин Азамат қизи
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.22980806

Аннотация: Мазкур мақолада коррупцияга қарши курашишда превентив фаолиятнинг илмий-назарий асослари, превенция тушунчасининг мазмун-моҳияти ҳамда унинг турлари таҳлил қилинган. Шунингдек, прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашишдаги ўзига хос ўрни, прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган чораларнинг превентив хусусияти тадқиқ этилган. Тадқиқот натижасида прокуратура органларининг превентив фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар аниқланиб, коррупциявий хавфларни баҳолашни хавфга асосланган ёндашув асосида ташкил этиш, превентив фаолият самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этиш бўйича таклифлар илгари сурилган.
Калит сўзлар: коррупция, коррупцияга қарши курашиш, превенция, прокуратура, коррупциявий хавф-хатар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Аннотация: В данной статье проанализированы научно-теоретические основы превентивной деятельности в сфере противодействия коррупции, содержание понятия превенции, а также ее общая, специальная и индивидуальная формы. Исследованы особенности роли органов прокуратуры в противодействии коррупции, прокурорский надзор, координация деятельности правоохранительных органов, а также превентивный характер мер, направленных на выявление и устранение коррупционных рисков. По результатам исследования выявлены проблемы, связанные с дальнейшим совершенствованием превентивной деятельности органов прокуратуры, и выдвинуты предложения по организации оценки коррупционных рисков на основе риск-ориентированного подхода, а также внедрению четких критериев оценки эффективности превентивной деятельности.
Ключевые слова: коррупция, противодействие коррупции, превенция, прокуратура, коррупционные риски, профилактика правонарушений.

Abstract: This article analyzes the scientific and theoretical foundations of preventive activities in combating corruption, the essence and content of the concept of prevention, as well as its general, special, and individual forms. The study examines the specific role of prosecutorial bodies in combating corruption, prosecutorial supervision, coordination of law enforcement activities, and the preventive nature of measures aimed at identifying and eliminating corruption risks. Based on the findings of the study, problems related to further improving the preventive activities of prosecutorial bodies are identified, and proposals are put

forward to organize the assessment of corruption risks based on a risk-oriented approach and to introduce clear criteria for evaluating the effectiveness of preventive activities.

Keywords: corruption, combating corruption, prevention, prosecution, corruption risks, crime prevention.

Коррупция давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатувчи, давлат бошқаруви самарадорлиги, қонун устуворлиги, иқтисодий барқарорлик ҳамда фуқароларнинг давлат институтларига бўлган ишончига путур етказувчи мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисалардан биридир. Тарихий нуқтаи назардан коррупция давлат бошқаруви институтлари шаклланган даврлардан бошлаб турли кўринишларда намоён бўлиб келган. Шу сабабли унинг сабаблари, шакллари ва унга қарши курашиш усулларини ўрганиш ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, иқтисодиёт ва бошқа ижтимоий фанларнинг муҳим тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади.[1]

Коррупцияга қарши курашишнинг анъанавий ёндашуви, асосан, содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортишга қаратилган. Бироқ мазкур ёндашув коррупциянинг оқибатларига таъсир кўрсатиш билан чекланиб қолса, коррупциявий хатти-ҳаракатларнинг юзага келишини таъминловчи шарт-шароитлар ва омилларни бартараф этиш масаласи етарлича қамраб олинмайди.

Шу нуқтаи назардан коррупцияга қарши курашишнинг замонавий моделида превентив ёндашув алоҳида аҳамият касб этади. Превенция коррупция содир этилганидан кейин унга муносабат билдириш эмас, балки коррупциявий хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш, уларни баҳолаш, сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупция содир этилиши учун имкониятларни минималлаштиришга қаратилган фаолиятни англатади.

«Превенция» атамаси лотинча praeventio сўзидан олинган бўлиб, «олдини олиш», «огоҳлантириш» маъноларини англатади. Ушбу тушунча тиббиёт, криминология, ҳуқуқшунослик, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларда турли мазмунда қўлланилади.

Роберт М.Хардавей превенция моҳиятини тиббиётдаги профилактика билан қиёслайди. Унинг фикрича, даволаш амалиёти касаллик юзага келганидан кейин амалга оширилса, профилактика касалликнинг юзага келишини олдиндан бартараф этишга қаратилган чораларни қамраб олади.[2] Мазкур ёндашувни ҳуқуқий соҳада ҳам қўллаш мумкин: жавобгарлик ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин қўлланилса, превентив механизмлар ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келувчи омилларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этишга йўналтирилади.

А.А.Данченко превенцияни инсон, жамият ва давлатни ғайриқонуний тажовузлар ҳамда бошқа салбий ҳодисалардан муҳофаза қилиш, ижтимоий муносабатлар, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олишга қаратилган фаолият сифатида талқин қилади.[3]

---

[1] Соттиев И.А., Ҳамраев С.И. Коррупция билан боғлиқ жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш: ўқув-амалий қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008.

[2] Robert M. Hardaway, Teaching Preventive Law, 16 PREVENTIVE L. REP. 3 (1997), p.3.

[3] Данченко А.А. Превентивная функция российского права: дис. ... канд. юрид. наук. – Кострома, 2002.

Я.И.Тихинов эса юридик превенцияни ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқ манбалари мажмуи билан боғлиқ, давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқий маданияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантирувчи тизим сифатида баҳолайди.[4]

Мазкур ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, бизнинг фикримизча, превенция — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишининг, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар ва салбий ижтимоий ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий ва институционал чора-тадбирлар тизимидир.

Бунда превенцияни фақат ҳуқуқ нормаларини қўллаш билан чеклаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки коррупциянинг келиб чиқишига ҳуқуқий бўшлиқлар билан бир қаторда ташкилий камчиликлар, назорат механизмларининг самарасизлиги, манфаатлар тўқнашуви, шаффофликнинг етарли эмаслиги, ваколатларнинг асоссиз концентрациялашуви, ахборотнинг очиқ эмаслиги ва бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Жиноят-ҳуқуқий назарияда превенция, одатда, умумий ва хусусий турларга ажратилади. Профессор М.Х. Рустамбаев жиноятларнинг олдини олиш умумий ва хусусий превенция орқали амалга оширилишини таъкидлайди.[5]

Умумий превенция жамият аъзоларининг кенг доирасига таъсир кўрсатиш орқали ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган. Бунда қонунчиликнинг мавжудлиги, ҳуқуқий талабларнинг аниқлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, давлат бошқарувида шаффофликни таъминлаш каби воситалар муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий превенция муайян ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи мавжуд бўлган шахсларга нисбатан индивидуал таъсир чораларини қўллаш орқали келгусида ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишни назарда тутади.

Айрим тадқиқотчилар умумий ва хусусий превенциядан ташқари махсус превенцияни ҳам алоҳида тур сифатида эътироф этадилар. Р.Э.Вицке превенцияни жиноятларнинг умумий, махсус ва индивидуал олдини олиш ҳамда профилактикасига қаратилган давлат-ҳуқуқий фаолият сифатида баҳолайди.[6]

Т.Козловнинг фикрича, махсус превенция ижтимоий гуруҳлар, алоҳида шахслар, ташкилотлар ёки жиноий хавфи ёхуд виктимлик даражаси юқори бўлган соҳаларга мақсадли таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади.[7]

Коррупцияга қарши курашиш нуқтаи назаридан мазкур тасниф муҳим назарий аҳамиятга эга. Чунки коррупциянинг олдини олиш фақат жиноят содир этган шахсни жазолаш билан чекланмасдан, коррупциявий хавф юқори бўлган соҳалар, лавозимлар,

[4] Тихинов Я.И. Институт превенции в системе российского права: дис. ... канд. юрид. наук. – 2019.

[5] Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2024.

[6] Вицке Р.Э. Государственно-правовой механизм уголовной превенции (теоретико-правовой аспект): дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2004.

[7] Козлов Т.М. Прокурорская деятельность в системе мер профилактики коррупции // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2013. – № 1 (33).

маъмурий жараёнлар ва қарор қабул қилиш механизмларини олдиндан аниқлашни ҳам талаб этади.

Шу сабабли коррупцияга қарши превентив фаолиятни қуйидаги уч даражада кўриш мумкин:

умумий превенция — жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни ошириш, давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш;

махсус превенция — коррупциявий хавф юқори бўлган соҳалар, ташкилотлар ва маъмурий жараёнларда коррупцияга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

хусусий превенция — муайян шахс ёки мансабдор шахснинг коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки уни такрорлаш эҳтимолини камайтиришга қаратилган индивидуал чора-тадбирлар.

Коррупцияга қарши курашишда прокуратура органларининг ўрни унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатидаги ваколатлари, қонунийлик устидан назоратни амалга ошириш имкониятлари ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда иштирок этувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш функциялари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунида прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари алоҳида белгиланган. Жумладан, Бош прокуратура коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда коррупцияга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан боғлиқ фаолиятни мувофиқлаштиришда иштирок этади.[8]

Шу жиҳатдан прокуратуранинг коррупцияга қарши фаолиятини фақат жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш билан боғлаш мақсадга мувофиқ эмас. Унинг муҳим йўналишларидан бири — коррупциявий ҳуқуқбузарликларга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни олдиндан аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишдир.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда прокуратура бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида алоҳида ўринга эга. Чунончи, прокуратура мамлакатимизда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи ягона давлат органи ҳисобланади[9].

Мазкур ваколат прокуратура органларига нафақат содир этилган қонунбузилишларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш, балки қонунбузилишларга, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган превентив чораларни амалга ошириш имконини беради.

---

[8] Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. 2017 йил 3 январь, ЎРҚ–419-сон.

[9] Конституциявий ҳуқуқ: дарслик/Муаллифлар жамоаси. – Т.:ТДЮУ нашриёти, 2024., 710-б.

Шу нуқтаи назардан, прокуратура органларининг коррупцияга қарши превентив фаолиятини фақат коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш билан чеклаш мақсадга мувофиқ эмас. Аксинча, мазкур фаолият коррупциявий хавфларни олдиндан аниқлаш, уларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш, мавжуд хавфларни бартараф этиш ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни қамраб олиши лозим. Бунда прокуратуранинг назорат, мувофиқлаштириш, таҳлилий ва ҳуқуқий таъсир функциялари ўзаро уйғун ҳолда намоён бўлади.

Шундан келиб чиқиб, прокуратура органларининг коррупцияга қарши превентив фаолиятини қуйидаги асосий йўналишларга ажратиш мумкин:

коррупцияга қарши қонунчилик талабларига риоя этилишини таҳлил қилиш;

коррупциявий хавф юқори бўлган соҳалар ва жараёнларни аниқлаш;

қонунчиликдаги коррупциявий хавфларни келтириб чиқарувчи нормаларни аниқлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат механизмларининг самарадорлигини ўрганиш;

манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш;

давлат харидлари, лицензиялаш, рухсат бериш, назорат ва бошқа маъмурий жараёнларда коррупциявий хавфларни баҳолаш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш;

аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

коррупцияга қарши ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган профилактик тадбирларда иштирок этиш.

Демак, прокуратура органларининг коррупцияга қарши фаолиятида превентив ёндашувнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари мавжуд бўлса-да, унинг натижадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари, коррупциявий хавфларни прогноз қилиш механизмлари ва рискка асосланган аналитик ёндашувни ягона тизимга бирлаштириш масалалари янада такомиллаштиришни талаб қилади. Мазкур ҳолат прокуратура органларининг коррупцияга қарши превентив фаолиятини фақат мавжуд ҳуқуқий механизмларни қўллаш нуқтаи назаридан эмас, балки унинг мазмун-моҳияти, объекти, амалга ошириш шакллари ва натижадорлигини баҳолаш мезонларини қамраб олган яхлит тизим сифатида қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Зеро, прокуратура органларининг мазкур жараёндаги ўзига хос ўрни унинг қонунийлик устидан назоратни амалга ошириш, жиноятчиликка қарши курашишда иштирок этувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижросини таъминлаш билан боғлиқ ваколатларидан келиб чиқади. Шу сабабли прокуратуранинг коррупцияга қарши превентив фаолиятини такомиллаштиришда унинг мавжуд ваколатларидан нафақат содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, балки коррупциявий хавфларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш воситаси сифатида самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, бизнингча, прокуратура органларининг коррупцияга қарши превентив фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши жазоловчи-реактив моделдан коррупциявий хавфларни олдиндан аниқлаш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш ҳамда бартараф этишга асосланган аналитик-превентив моделга босқичма-босқич ўтишдан иборат бўлиши лозим. Бундай ёндашув прокуратура фаолиятининг асосий эътиборини фақат содир этилган ҳуқуқбузарликка эмас, балки унинг келиб чиқишига имкон берувчи омилларга қаратишни назарда тутади.

Бунда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини фақат аниқланган жиноятлар ёки жавобгарликка тортилган шахслар сони орқали баҳолаш етарли эмас. Чунки мазкур кўрсаткичлар, аввало, коррупциявий ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилган ҳуқуқий таъсир натижаларини ифодалайди. Превентив фаолиятнинг ҳақиқий натижаси эса коррупциявий хавфларнинг пасайиши, коррупцияга олиб келувчи тизимли сабабларнинг бартараф этилиши, давлат бошқарувида шаффофликнинг ошиши ва коррупция содир этилиши учун мавжуд имкониятларнинг қисқариши билан белгиланиши лозим.

Шу муносабат билан прокуратура органларининг превентив фаолияти натижадорлигини баҳолашда аниқланган коррупциявий хавфлар, бартараф этилган сабаб ва шарт-шароитлар, қисқартирилган коррупциявий имкониятлар ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг қайта содир этилиш хавфи даражаси каби мезонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур ёндашув, ўз навбатида, прокуратура органларининг коррупцияга қарши превентив фаолиятини анъанавий назорат ва ҳуқуқий таъсир чоралари доирасидан чиқариб, уни коррупциявий хавфларни аниқлаш, таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бартараф этишга қаратилган комплекс аналитик-ҳуқуқий фаолият сифатида шакллантириш имконини беради.

Шу маънода, прокуратура органларининг коррупцияга қарши превентив фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий ва институционал механизмлар билан бир қаторда рақамли таҳлил, илмий мониторинг ва идоралараро маълумот алмашинуви асосида ривожлантириш коррупциянинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши мумкин. Айни пайтда мазкур ёндашув прокуратура органларининг превентив фаолиятини илмий жиҳатдан тизимлаштириш, унинг объекти ва мазмунини аниқ белгилаш ҳамда натижадорлигини баҳолашнинг ягона мезонларини шакллантириш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. 2017 йил 3 январь, ЎРҚ–419-сон;
2. Соттиев И.А., Ҳамраев С.И. Коррупция билан боғлиқ жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш: ўқув-амалий қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008;
3. Макиавелли Н. Государь / Пер. с ит. Н. Курочкина. – Санкт-Петербург, 1869;
4. Hardaway R.M. Teaching Preventive Law // Preventive Law Reporter. – 1997. – Vol. 16;
5. Данченко А.А. Превентивная функция российского права: дис. ... канд. юрид. наук. – Кострома, 2002;

6. Тихинов Я.И. Институт превенции в системе российского права: дис. ... канд. юрид. наук. – 2019;
7. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2024;
8. Вицке Р.Э. Государственно-правовой механизм уголовной превенции (теоретико-правовой аспект): дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2004;
9. Козлов Т.М. Прокурорская деятельность в системе мер профилактики коррупции // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2013. – № 1 (33);
10. Конституциявий ҳуқуқ: дарслик / Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2024.